

Намуна

1. Кириш кисми.

«_____» хусусий фирмаси лойихасининг бизнес-режаси, Карши шаҳрида, тижорат банки ресурслари ҳисобидан бериладиган кредитлар механизми орқали молиялаштириш натижасида, қурилиш материаллари билан савдони ташкиллаштиришни асослаш мақсадида тақдим этилмоқда.

Лойиха ташаббускори томонидан, Карши шаҳрининг қурилиш материаллари бозорини урганиб, таҳлил қилиш натижасида, қурилиш материаллари маҳсулотлари савдосини ташкиллаштириш тугрисида қарор қабул қилинди. Шаҳар савдо сотик бозорида вужудга келган шароит, яъни арзон нархдаги, юқори сифатли маҳсулотларига талабнинг катталиги, бундай қарорни қабул қилишга асос бўлди.

Ушбу лойихани амалга ошириш, шаҳримизнинг ички истеъмол бозорини, юқори сифатли, нархи арзон, қурилиш материаллари билан тулдириш, лойихани ижобий амалга оширилиши натижасида олинadиган фойдани эса, лойиха ташаббускори фаолиятини кенгайтиришга йуналтиришга ички имконият яратиб беради.

«_____» хусусий фирмаси Карши шаҳар ҳокимининг _____ йил Х-____ сонли қарори билан давлат руйхатидан утказилган. Қорхонанинг асосий фаолиятлари:

- Саноат маҳсулотлари ва қурилиш материалларини сотиб олиш, ишлаб чиқариш

«_____» хусусий фирмаси банк реквизитлари:

Карши шаҳри _____ кучаси ____ уй.

Х/р _____

«_____» банк Карши шаҳар бўлими

МФО _____

ИНН: _____

II. Лойиханинг асосий мақсади ва йуналишлари.

«_____» хусусий фирмаси умумий иш фаолияти стратегияси билан қурилиш материаллари савдосини ташкиллаштириш лойихаси уртасида ички зиддият йукдир.

Лойиха ташаббускорининг, лойихани амалга оширишдан мақсад қуйидаги сабабларга қура:

- маҳсулот таннархининг юқори эмаслигига нисбатан капитал харажатларнинг тезда узини коплай олишлиги,

- Қурилиш материалларини етказиб берувчилар ва олиб келинган маҳсулотларни сотувчи каналларнинг ташкиллаштирилганлиги ва етарли даражада тажрибага эга эканлигидан, лойиханинг мақсадга мувофиқлигини курсатади.

Қурилиш материалларини етказиб берувчилар ва олиб келинадиган тайер маҳсулотларнинг потенциал харидорлари билан лойиха ташаббускорининг уртасида, ушбу лойиха буйича олиб борилган музокаралар, уларнинг лойиха буйича ҳамкорлик қилишга жуда катта қизиқиши ва истаги борлигини курсатди. Худудий қулай жойлашганлиги, ҳамда олиб келинадиган тайер маҳсулотлар харид бозорининг кенлиги сабабли, лойихани амалга ошириш учун жуда яхши имконият яратилади.

«_____» хусусий фирмаси асосий мақсади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга ошириб, аҳолига ва қорхоналарга савдо хизмати курсатиш, қурилиш материалларини, саноат маҳсулотларини сотишдан иборатдир. Аҳоли ва қорхоналарни ушбу маҳсулотларга булган талабини бир оз булсада қондириш мақсадида

«_____» хусусий фирмаси узининг Бизнес режасини ишлаб чиқди.

Ушбу лойихани амалга ошириш учун, қредит ҳисобидан 10000000 сум маблағ талаб қилинади.

«_____» хусусий фирмаси ушбу қредит маблағини олиш учун, гаров таъминоти сифатида қиймати 13977354 сумлик уз бино қорхонасини тақдим этади. Ушбу қредит маблағини олиб ишлатиш ва уни уз вақтида қайтариш учун барча шарт-шароит мавжуд.

Лойихада ҳисоб-қитоблар учун қабул қилинган қредит шартлари

1. Қредит миқдори – 10000000 сум
2. Қайтариш муддати – 12 ой
3. Имтиез даври – 0 ой
4. Йиллик фоиз ставкаси – 36 %

5. Кредитни епиш – Кредит муддати ойлик бадаллар билан суммани тулик кайтариш.

Лойиханинг киймати жадвали.

Таблица 2.1.

| Гр | Номи | Талаб килинадиган маблаг (минг. сум) | | |
|----|-----------------------|---|---------------------|-----------------|
| | | Жами сумма | Кредит хисобидан | Уз хисобидан |
| 1. | Курилиш материаллари | 10000000 | 10000000 | 0 |
| 2. | Транспорт харажатлари | 200000 | 0 | 200000 |
| 3. | Бошка харажатлар | 40000 | 0 | 40000 |
| | Жами: | 10240000 | 10000000 | 240000 |

11. БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ.

. Республика ҳукуматининг тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб бораётган сиёсати, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга катта йул очди.

Хозирги бозор иктисодиёти шароитида, аҳолини ва корхоналарни курилиш материаллари махсулотлари билан таъминлашда оз булсада, баъзи муаммолар мавжуд.

Статистика маълумотларига кура, Қашқадаре вилоятининг аҳоли сони 01.09.99 йилда 2 155 200 кишини, Қарши шаҳрининг аҳоли сони 209000 кишини ташкил этди. Асосан, жуда куп микдорда, курилиш материалларига булган талаб корхона ва ташкилотлардандир. Лойиха ташаббускори хам ушбу мавсум бошланишини эътиборга олган холда, тижорат банкидан кредит маблагли олишни режалаштирган. Ушбу махсулотларга корхона ва ташкилотлар, аҳоли томонидан муайян талабнинг мавжудлигини курсатади. Бундан ташқари курилиш материалларига савдо корхона ва ташкилотлари, фирмалари хам ушбу махсулотнинг потенциал харидорлари хисобланади.

«_____» фирмаси ана шу махсулотларни аҳолига, ташкилот ва корхоналарга етказиб беришни максад килиб куйган.

«_____» фирмасининг шартнома асосида узи олиб келиб сотадиган курилиш материалларини вилоятимиз худудида жойлашган корхона ва ташкилотларга сотишни режалаштирган. «_____» фирмасининг бу режаси узини оклабгина колмасдан, корхонага даромад хам келтиради. Чунки, корхона катта савдо корхоналарига нисбатан, бозорни тезрок урганиб,

махсулотни арзонрок сотади. Корхона катта савдо корхоналарига нисбатан хар-хил харажатларга йул куйилмайди. Шунинг учун ҳам корхона сотадиган махсулотларнинг нархи нисбатан арзонрок булади. Корхона даромадни ошириш учун ахоли ва корхоналар талабини урганиб, уни тезрок кондириш учун харакат килади ва олинган кредит маблагининг айланиши тезлашади. Натижада корхона маблагини ва даромади ошиб боради.

Хулоса килиб айтганда корхона кредит маблагини хисобидан олиб келиб сотадиган махсулотлар харидоргир булиб, хозирги бозор иктисодиёти шароитларига жавоб беради.

СОТИШ ПРОГРАММАСИ

Олиб келинадиган спиртли ичимликларни вилоят ва Карши шаҳри ҳудудида жойлашган истеъмолчилар билан тугридан-тугри тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Сотиш программаси стратегияси, олиб келинадиган махсулотларнинг сифати ва турига булган талабни ҳамма вақт урганиш, бозор шароитини узгаришига тезда мослашиш, ҳамда, юқорида кайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, тайер махсулотга нархнинг тез мослашувчи тактикаси белгиланади.

1V. Ишлаб чиқариш тулови.

«_____» фирмасининг 10000000 сум кредит маблагига Республикамиздаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган, ва келтирилаётган қурилиш материалларини шартнома асосида олиб келиб сотади.

Корхона, асосан махсулотларни Тошкент шаҳрида фаолият курсатаётган тадбиркорлик субъектларидан сотиб олиб келади. Бир “КАМАЗ” юкнинг Тошкент шаҳридан Қаршига олиб келишига 100000 сум харажат ҳисоб-китоблар учун қабул қилинган. Режага қура, бир ойда кредит маблагини 2 марта тулик айлантириш мулжалланган. Транспорт харажати бир ой ичида 200000 сумни ташкил этади.

Кредит маблагининг 1 марта тулик айланиши хисобидан сотиб олиннадиган қурилиш материаллар харажатлари жадвали.

Таблица 4.1.

| № | Сотиб олиннадиган махсулот номи | Сони | Нархи (сум) | Жами (сум) |
|---|---------------------------------|-----------|-------------|------------|
| 1 | Тахта | 750 м куб | 80000 | 6000000 |
| 2 | Цемент | 100 тонна | 20000 | 2000000 |
| 3 | Кора коғоз | 200 рулон | 3500 | 700000 |
| 4 | Битум | 5000 кг | 100 | 500000 |

| | | | | |
|---|----------|----------|------|----------|
| 5 | Алибастр | 10 тонна | 14 | 140000 |
| 6 | Шифер | 300 дона | 2200 | 660000 |
| | ЖАМИ | XXX | XXX | 10000000 |

Транспорт харажатлари жадвали.

Таблица 4.2. (сумда)

| Тур | Харажатлар номи | Бир ойда | 12 ойда |
|-----|--------------------|----------|---------|
| 1. | Транспорт харажати | 200000 | 240000 |
| | Жами: | 200000 | 240000 |

Кредит маблагининг тулик бир айланиш даврида, фаолиятини амалга ошириш учун, бошка харажатларни коплаш максадида, хисоб-китоблар учун, транспорт харажатлари микдоридан 5 % кабул килинган ва 10000 сумни ташкил этади.

Демак, фирманинг курилиш материаллари билан савдо фаолияти шугулланишдаги харажатлари бир айланишда 10100000 сумни, 12 ойда 121200000 сумни ташкил этади.

ТАШКИЛИЙ РЕЖА.

«_____» фирмасининг ойлик иш хаки фонди 54335 сумга тенг. ИТФондига 40% чегирма микдори 21734 сумга, жами хар ойда 76069 сумни ташкил этади. Ушбу туловлар, корхонанинг соф фойдаси хисобидан копланеди.

«_____» фирмасининг штатлар руйхати ва меҳнатга ҳақ тулаш фонди.

Таб. 4.6.

| № | Штатлар руйхати | Сони | Оклад (сум) | Ойлик маош (сум) | Йиллик меҳнатга ҳақ тулаш фонди (сум) |
|----|-----------------|------|-------------|------------------|---------------------------------------|
| 1. | Директор | 1 | 15000 | 15000 | 180000 |
| 2. | Бош хисобчи | 1 | 10000 | 10000 | 120000 |
| 3. | Экспедитор | 1 | 9000 | 9000 | 108000 |
| 4. | Омбор мудири | 1 | 8500 | 8500 | 102000 |
| 5. | Коровул | 3 | 3945 | 11835 | 142020 |
| | Жами | | | 54335 | 652020 |

| | | | | | |
|--|-------------|--|--|-------|--------|
| | 40% чегирма | | | 21734 | 260808 |
| | ЖАМИ | | | 76069 | 912828 |

V. СОЛИГЛАР, ТУЛОВЛАР ВА ЧЕГИРМАЛАР.

Узбекистон Республикаси “Солиг кодекси” га кура, ҳамда ягона даромад солиги ставкаси 10%га тенг.

V1 Молиявий режа.

«_____» фирмасининг, кредит хисобидан 10000000 сумлик маблагига олинган қурилиш материалларига 20% устама хаки қуйиб сотишни ва бир ой ичида маблагни 2 марта тулик айлантириш режалаштирилган.

Юқорида қайд этилган курсаткичлар асосида 6.1 таблицада, кредит маблагининг бир марта тулик айланишдан олинши режалаштирилган даромад курсатилган.

Таблица 6.1.

| № | Номи | Сотиб олинши нархи (сум) | Жами харажатлар (сум) | Устама хаки 20 % | Кутилатган тушум |
|---|----------------------|--------------------------|-----------------------|------------------|------------------|
| | Қурилиш материаллари | 10000000 | 10100000 | 2020000 | 12120000 |

Бир ой ичида кредит маблагининг режалаштирилган айланишидан кутилатган даромад 12120000 сумни, ун икки ойда 145440000 сумни ташкил этади.

6.2 таблицада лойихани амалга ошириш учун жалб этилган кредит маблагини қайтариш ва кредитдан фойдаланганлик фоизларини тулаш схемаси курсатилган.

Молиявий режа

Айланма маблаг миқдори – 10010000 сумни ташкил этади. Хар ойда сотишдан тушадиган тушум ичидан банкка кайтариладиган кредит суммаси - харажатдан чиқарилади.

Таблица 6.3.

| № | Курсаткичлар номи | 12 ойда (сум) |
|-----|----------------------------|---------------|
| 1. | Тушум | 145440000 |
| 2. | Харажатлар | 121200000 |
| 3. | Даромад | 24240000 |
| 4. | Солиг тулови | 14544000 |
| 5. | Кредит фоизи (36 % йиллик) | 3600000 |
| 6. | Иш хаки фонди | 652020 |
| 7. | 40 % чегирма | 260808 |
| 8. | Транспорт харажатлари | 2 400 000 |
| 9. | Бошка харажатлар | 40000 |
| 10. | Соф фойда | 27435172 |

«_____» тижорат ишлаб чиқариш савдо фирмаси, кредит фоизларини хар ойда 300000 сум тулаб боради. 1250000 сум кредит маблагини ойма-ой кайтара бошлайди. 2003 йилнингмай ойида тулигича кайтаради.

«_____» фирмаси 12 ой давомида банкдан олган 10000000 сум кредит маблагини хисобидан савдо-сотикни амалга ошириб, кредит маблагини ва фоизларини кайтаришдан ташқари, 27435172 сум соф фойда олади.

«Тасдиклайман »

«_____» фирмаси директори

« ФИРМАНИНГ САВДО ФАОЛИЯТИГА
КРЕДИТ МАБЛАГЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ЛОЙИХАСИНИНГ»

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

КАРШИ ш. – 2002й.